

ISSN: 2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ


ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

2-СОН

ФЕВРАЛЬ, 2023



IMFAKTOR
PAGES



ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 2-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-2

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-2

ТОШКЕНТ – 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-2>

Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054837**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

Иқтисодиёт фанлари

МУРОДУЛЛАЕВА Шохсанам Дилмурод кизи

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7662390>

НОДАВЛАТ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИН ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мамлакатимизда пенсия таъминоти тизимини самарали ташкил этиш, унинг молиявий манбаларини мустаҳкамлаш масалаларида хорижий тажрибани чуқур ўрганиш, хорижий давлатлардаги пенсия таъминотидаги ижобий жиҳатларни миллий пенсия тизимимизга татбиқ этиш, шу асосда мамлакатимиз пенсия тизимининг иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва институционал асосларини мустаҳкамлаш масалалари бугунги кундаги долзарб масалалардан хисобланиб ҳамда хориж тажрибасини қўллаган ҳолда мавжуд пенсия тизимидаги муаммоларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Нодавлат пенсия фондлари, пенсия тизими, пенсия, нафақа, мажбурий пенсия суғуртаси, ихтиёрий пенсия тизими, пенсия таъминоти, пенсия фондлари активлари, пенсия режаси.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются вопросы эффективной организации системы пенсионного обеспечения в стране, углубленного изучения зарубежного опыта в вопросах укрепления ее финансовых ресурсов, применения положительных аспектов пенсионного обеспечения в зарубежных странах к национальной пенсионной системе, укрепления экономических, финансовых, правовых и институциональных основ пенсионной системы страны с учетом актуальных на сегодняшний день вопросов и применения зарубежного опыта. разработаны предложения и рекомендации по устранению неполадок.

Ключевые слова: Негосударственные пенсионные фонды, пенсионная система, пенсия, пенсия, обязательное пенсионное страхование, добровольная пенсионная система, пенсионное обеспечение, активы пенсионных фондов, пенсионный план.

ANNOTATION

In this article, the issues of effective organization of the pension system in our country, in-depth study of foreign experience in matters of strengthening its financial resources, application of positive aspects in pension provision in foreign countries to our national pension system, strengthening the economic, financial, legal and institutional foundations of the pension system of our country are considered to be.

Keywords: Non-state pension funds, pension system, pension, pension, compulsory pension insurance, voluntary pension system, pension provision, assets of pension funds, pension plan.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг барчаси республика аҳолисининг манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятда ижтимоий барқарорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Шу жумладан, ижтимоий сиёсатни амалга ошириш ҳам аҳолининг ўтиш даври давомидаги ижтимоий жиҳатдан ҳимояланганлигини таъминлашни кўзда тулади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилаётган 2022-2026 йилларда амалга оширишга қаратилган, асосий мақсади «Инсон кадрлари учун» деган устувор тамойилга асосланган, «Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойили асосидаги Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида амалга оширишга оид давлат дастурларида ушбу тизимни ривожлантиришга доир бир қанча вазифалар белгилаб қўйилган бўлиб, тараққиёт стратегияси ИВ бобининг 53 ва 54 – мақсадлари айнан пенсия таъминоти тизимини янада ривожлантиришга қаратилган вазифаларни ўз ичига олади.

Бугунги кунда хорижий мамлакатлар пенсия фондлари амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, дунё мамлакатлари аҳолисининг демографик ўзгариши, иқтисодиётнинг ривожланиши сари аҳолининг турмуш тарзи яхшиланиши натижасида уларнинг ўртача умр кўриш ёшининг ошиб бораётганлиги ва меҳнат фаолияти билан банд бўлган аҳолига нисбатан пенционерлар улушининг ошиб бораётганлиги натижасида пенсия фондларини молиявий таъминлашда юзага келаётган муаммолар авлодлар бирдамлигига асосланган пенсия тизимидан жамғариб бориладиган нодавлат пенсия фондларини ташкил қилиш ва уларнинг молиявий даромадларини оширишда жамғарма маблағларини инвестицион фаолиятини шакллантириш ва уларни самарали бошқариш механизмларини ишлаб чиқишни тақазо қилмоқда.

Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш ва нодавлат пенсия жамғармалари фаолиятини ривожлантириш ижтимоий сиёсатнинг устувор ё'налишларидан бири сифатида қатор иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Новгородов (2011) нодавлат пенсия жамғармаларининг молиявий барқарорлиги тушунчаси деганда жамғарма қатнашчилари ва суғурталанган шахслар олдидаги мажбуриятларнинг бажарилишини етарли даражада кафолатлайдиган, шунингдек ўз низомига кўра фаолиятларини узоқ муддатда ривожлантириш ва молиялаштириш имкониятига эга бўлиши тушунилади деб изоҳлайди.

Бончик (2006) нодавлат пенсия жамғармаларининг молиявий барқарорлиги – бу жамғарма ўз пенсия мажбуриятларини жамғарманинг молиявий оқимларига таъсир этувчи омиллар таъсири остида бажара олиш қобилиятини кафолатлашидир деб таъриф беради.

Вавулин (2016) хусусий пенсия фондлари – нотижорат молиявий ташкилотлар бўлиб, пенционерларнинг ихтиёрий қўйилмалари ҳисобига уларни молиявий нафақа билан таъминлайди ва улар мажбурий пенсия суғуртаси ва нодавлат (қўшимча) пенсия таъминоти билан шуғулланадилар, деб изоҳлайди.

Новиков (2006) хусусий пенсия фондлари пенсия жамғармалари маблағлари ва резервларни самарали инвестиция қилиб, фуқароларга улар пенсия ёшига етганларида ўз шахсий пенсиялари миқдорини сезиларли кўпайтириш имконини беради, деб таърифлайди.

Вахабов (2018) хусусий пенсия жамғармаларининг ўзига мувофиқ моҳияти шундан иборатки, бошқа турдаги пенсия тизимларида жамғарилган маблағлар пенсия олувчиларга ҳеч қандай қўшимча фоиз устамасиз қайтариб берилади. Хусусийда эса жамғарилган маблағлар пенсия олувчилар учун маълум миқдорда фоиз ставкаси асосида эгаларига қайтарилади.

Жамғарилган маблағларнинг қай даражада ошиб бориши ва унинг кўпайиб бориш босқичлари пенсия фонди ва мижоз томонидан танланган инвестиция таклифлари сабабчи бўлади деган фикрларни илгари суради.

Абдурахмонов (2013) жаҳоннинг кўплаб ривожланган мамлакатларида ана шундай хусусий пенсия фондлари иқтисодиётни ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган экан, бугунги кунда кўплаб ислохотларни ўтказаяётган юртимизда ҳам келгусида ана шундай ўзгаришлар бўлиши мумкинлигини истисно этмайди, деган ҳолда истикболдаги ислохотларга ишора қилади.

Тадқиқот жараёнида ижтимоий ҳимоя, пенсия тизими, нодавлат пенсия жамғармалари тушунчаларининг назарий асослари ўрганилди, пенсия тизимини инновацион ривожлантириш моделлари таҳлил қилинди, шунингдек мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув усулларидан фойдаланилди.

Ривожланган мамлакатларда пенсия тизимининг ривожланганлиги сабабли хусусий пенсия фондларининг ва корпоратив пенсия фондларининг мавжудлиги сабабли аҳоли ўз хоҳиши билан маблағ жамғариб боради.

Балки бунга сабаб, мамлакатларда суғурта тизимининг ривожланганлигидир, чунки пенсияга ҳам суғуртанинг бир тури сифатида қараш мумкин. Ҳар бир давлат имкониятидан келиб чиқиб, ўз пенсия тизимини ва пенсия фондларини ташкил этади. Пенсия фондлари даромадларини шакллантиришда турли бир-бирига ўхшаш ва фарқли манбаларни ишлаб чиқилади.

Жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги даврдаги ривожланиши давлатнинг ижтимоий соҳага ё’налтириши лозим бўлган харажатлари учун молиявий ресурсларнинг ўта чегераланганлиги билан характерланади. Бундай вазиятда давлатнинг марказлаштирилган фонд маблағларидан, шунингдек мавжуд бошқа молиявий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш муҳим ҳисобланади (*В. Антропов, 2017*).

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, самарали фаолият юритувчи давлат пенсия тизими қуйидаги халқаро талабларга жавоб бериши лозим (*Вахабов А.В, 2014*):

- мажбурий иштирок — пенсия тизими мажбурий тўловлар ҳисобига шаклланади;
- молиявий барқарорлик — пенсия фондига тўланадиган суғурта бадаллар тўланадиган пенсия суммасини тўлиқ қопланади;
- пенсия билан таъминланганлик — пенсия олиш ҳуқуқига тўланган бадаллар ҳисобига эришилади ва унинг қиймати пенсия фондига тўланадиган суғурта бадаллар қийматига ва тўлов давомийлигига боғлиқ бўлади;
- пенсия тизим барқарорлиги мунтазам баҳоланади.

Халқаро пенсия назариясида «пенсия режаси» (баъзан пенсия схемаси деб ҳам юритилади) тушунчаси асосий ўринни эгаллайди. Пенсия режалари, ўз номига монанд равишда, ишчиларни меҳнат фаолиятини яқунлагандан сўнг доимий пул таъминоти билан таъминлаш учун улардан ва уларни ёллаган хўжалик юритувчи субъектлардан олинган пенсия бадалларидан ташкил топган активларни режали бошқаришни англатади.

Пенсия режалари дунёдаги энг катта капитални ўзида жамлаган молиявий тизим ҳисобланиб, уларни бошқаришда молиявий менежерлар ўзига хос масъулият оладилар. Хорижий мамлакатлар амалиёти таҳлилдан кўринадики, Пенсия фондларининг иқтисодий аҳамияти шундан иборатки, у иқтисодиётни ривожлантиришда асосий молиявий институтлардан бири сифатида майдонга чиқиб, жамғарма маблағларини реал иқтисодиётга инвестициялаш орқали мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилади.

Хусусан, таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, таҳлил учун танлаб олинган ривожланган мамлакатлардаги Пенсия фондлари активларининг қиймати 35,3 триллион АҚШ долларидан ортиқлиги ва бу рақам ўрганилган мамлакатлар ЯИМнинг ўртача 80 фоизини ташкил қилади.

Хусусий пенсия жамғармаларининг ўз фаолияти давомида тизимли равишда ўз харажатларини камайтириб бормоқда. Бу кўрсаткич хусусий пенсия жамғармаларининг иқтисод ва ҳаётийлик даражасининг юқорилигидан дарак беради. Хусусий пенсия жамғармаларининг институционал инвесторлар сифатида мамлакат иқтисодиётига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Хорижий давлатларда қуйидаги пенсия таъминоти концепцияларидан фойдаланилади:

- АҚШ, Англия, Канададаги консерватив тизим;
- Швеция, Дания, Шветсария, Люксембургдаги ижтимоий-демократик тизим;
- Австрия, Германиядаги ижтимоий жамият назариясига асосланган тизим;
- Франция, Бельгия, Япониядаги фаровонлик давлати назариясига асосланган тизим.

Такидлаш керак-ки, Жаҳон банки томонидан турли мамлакатлар учун кўп даражали пенсия тизимига ўтиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Хусусан, давлат тақсимоат дастурларига эга бўлган ва кенг аҳоли қатламлари қамраб олинган мамлакатлар, шунингдек демографик муаммолари бўлган мамлакатлар учун биринчи қадам – давлат пенсия тизимида ислохотларни ўтказиш ҳисобланади.

Бунинг учун пенсияга чиқиш ёшлари кўтариш, имтиёзли пенсия тайинлаш шартларини қатъийлаштириш, кечроқ пенсияга чиқишни рағбатлантирувчи шарт-шароитларни яратиш, пенсия белгилаш нормативларини ўзлаштириш ва бошқа чора-тадбирлар ўтказилиши лозим.

Шундай қилиб, пенсия таъминотининг хорижий андозаларини ўзлаштириш иқтисодий ўсиш содир бўлаётган, давлат пенсия тизимида маблағлардан фойдаланишнинг самарадорлиги ошган уларга нисбатан тегишли назорат амалга оширилган, қўшимча пенсия таъминоти солиқ имтиёзлари ҳисобидан рағбатлантирилган шароитдагина муваффақият қозониши мумкин. Хорижий мамлакатлардаги пенсия тизими моделларида давлат пенсия фондлари, жамғариб бориладиган хусусий пенсия тизими, давлат ижтимоий суғурта фондлари, мажбурий тиббий суғурта фондлари, аҳоли бандлиги фондлари кўринишида ифодаланади. Хусусий пенсия тизими ҳукуматнинг молиявий кафолатларидан фойдаланмайди ва молиявий бозор иштирокчиларининг пенсияга чиққунга қадар бўлган иш ҳақидан тўланган бадаллар миқдори ҳисобига шаклланади. Қайта тақсимлаш томоилига асосланган пенсия тизимидан фарқли ўлароқ, хусусий пенсия тизимида суғурта бадаллари нисбатан юқори даражада белгиланади ва тегишли захира жамғармаси шакллантирилади.

Ҳар бир мамлакатдаги пенсия таъминоти ташкилий, молиявий ва бошқа жиҳатлари билан бир-биридан фарқланади. Лекин, уларнинг бирлаштириб турувчи жиҳат сифатида пенсия таъминотининг «уч поғонали» тизимга асосланишини кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Пенсия таъминоти тизимида давлат, нодавлат ёки хусусий (ишлаб чиқариш, корпоратив) пенсия фондлари ва суғурта институтлари киради. Бу шаклдаги тизим қатор ривожланган мамлакатларда қабул қилинган бўлиб мунтазам такомиллаштириб борилмоқда. Одатда давлатнинг пенсия таъминоти тизими бутун мамлакат аҳолисини ёки унинг алоҳида қатламларини қамраб олади. Нодавлат пенсия фондлари (НПФ) ноижорат ташкилотлари ҳисобланади. Уларнинг фаолият соҳаси чекланган миқдордаги қатнашувчилар билан боғлиқ.

Кўпинча ушбу ролни йирик корхоналар, компаниялар ва корпорацияларнинг меҳнат коллективлари, профсоюзлар бажарадилар. Учинчи элемент сифатида эса индивидуал ёки фуқаролар гуруҳларининг пенсия таъминоти билан шуғулланувчи хусусий инвестиция фондлари (ХИФ), суғурта ташкилотларини келтириш мумкин.

Хорижий мамлакатларда ҳам турли хил пенсия тизимлари мавжуд бўлиб, баъзи мамлакатларда 2 поғонали, баъзиларида эса 3 поғонали пенсия тизими амал қилади (*Турсунов Ж.П., Жумабаева К.Б., 2023*).

Швецияда янги пенсия тизими амал қилиб келмоқда. Бунда пенсиялар уч қисм бўйича тақдим этилади: шартли жамғариш, жамғариб бориш ҳамда кафолатли пенсиялар.

Германия пенсия тизими 3 поғонали яъни, давлат пенсия, корпоратив пенсия ва шахсий пенсия тизимлари амал қилмоқда.

Чехия республикасида 3 поғонали тизим яъни, давлат, жамғариладиган ва хусусий пенсия таъминоти мавжуд. Копчилик хорижий мамлакатларда 3 поғонали пенсия тизими амал қилади яъни давлат, жамғариладиган ва хусусий пенсия тизимлари.

«Жаҳондаги ривожланган мамлакатларда пенсия тизимларини ислох қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар умуман олганда, эҳтиёркорлик билан аста-секин муҳим таркибий ўзгартириш ўрнига кўпроқ параметрик тузатишлар кўринишида ўтказилмоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, пенсия таъминоти даражасини кўпайтириш, бунинг учун қўшимча захираларни жалб этиш, ишчининг пенсиясини бевосита унинг ўз меҳнати билан қўшган ҳиссасига боғлаш ҳамда нодавлат пенсия тизимини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур» (*Бекназаров З., 2015*).

Ривожланган мамлакатларда давлат пенсия таъминоти тизими билан бир қаторда давлат тасарруфида бўлмаган хусусий пенсия таъминоти ҳам мавжуд. Унинг зарурлиги куйидаги икки асосий сабаблардан келиб чиқади (*Қосимова Г.А., Каримова З.Х., 2009*).

Биринчидан, бозор муносабатлари ва демократия фуқароларга кўпроқ эркинлик ва давлат тасарруфидан мустақил бўлиш имконини бериш билан бир қаторда, уларга ўз ҳаётларини фаровон қилиш, жумладан, ижтимоий жиҳатдан таъминланиш борасида катта масъулият юклайди.

Иккинчидан, ҳар бир давлат қанчалик ривожланган бўлишидан қатъий назар, молиявий имкониятларининг чегараси мавжуд. Давлат фуқароларни, улар меҳнат қобилиятларини йўқотганларига қадар бўлган ижтимоий ҳимояланганлик даражасида ижтимоий таъминлаш имконига эга эмас. Шунинг учун ҳар бир давлат фуқароларнинг ижтимоий таъминланганлик даражасини ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда белгилайди. Амалдаги пенсия тизими кескин ислохотларни жадал давом эттириш, пенсия жамғармаси балансида юзага келадиган тақчилликни бартараф қилиш ва аксинча, ижобий қолдиққа эришиш имкониятларини беради.

Хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, жамғариладиган Пенсия фондлари активларининг асосини қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар ташкил этади. Хусусий пенсия фондлари пул маблағларини узоқ муддатга жойлайди, хусусий ва давлат қимматли қоғозларини сотиб олади. Хусусий пенсия фонди пассив операциялари асосини корпорация ва корхоналардан келадиган ресурслар ташкил этади, тушумнинг 20-30 фоизи ишчи ва хизматчилар бадалларидан иборат. Экспертларнинг ҳисоб-китоби бўйича қимматли қоғозлардан олинadиган даромадларнинг бир фоиз ошиши тўланадиган пенсиялар миқдорини бир неча фоиз оширишга имкон беради. Бошқача қилиб айтганда, қимматли қоғозларни сотиб олиш учун ажратилган маблағлар ўша қимматли қоғозларни ҳозирги реал қиймати бўйича сотилгандан сўнг фуқароларга пенсия кўринишида қайтарилади.

Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳаси учун узоқ муддатли сармоя етишмаслиги ва унга кескин эҳтиёж мавжуд шароитда хусусий пенсия фондлари биринчидан, узоқ муддатли кредитлаш фондларини ошириш имконини берса, иккинчидан, бундай тузилмаларнинг яратилиши бюджетнинг ижтимоий таъминот харажатларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси пенсия тизими ва хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганган ҳолда қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

- жамғариб бориладиган ва хусусий пенсия фондларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;

- пенсия жамғармаси маблағларини инвестицияга йўналтиришнинг молиявий механизмларини ишлаб чиқиш ва унинг ҳуқуқий асосини яратиш;

- пенсия жамғармаси маблағларининг даромадлигини ошириш орқали пенсия таъминоти тизимига суғурта бадали қамровини кенгайтириш ва ихтиёрий суғурта бадали тўловини рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш;

- пенсия таъминоти тизимида муассасалар ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ахборот алмашинув тизимини такомиллаштириш лозим;

- хусусий пенсия фондларини шакллантириш ва уни қатъий назорат тизимини таъминлаш керак;

- Ўзбекистон Республикасида пенсия тизими барқарорлигини таъминлаш учун қўшимча хусусий пенсия турларини шакллантиришни рағбатлантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунинг учун албатта босқичма-босқич меҳнат бозорини шакллантириш, янги иш ўринларини кўпайтириш, меҳнатда банд бўлганлар сонини максимал даражада кўпайтириб бориш лозим;

- ривожланган мамлакатлар тажибаларидан келиб чиққан ҳолда, миллий пенсия тизимига қўшимча корпоратив, коллектив, хусусий жамғармалар ва ижтимоий мақсадга йўналтирилган бюджетдан ташқари ижтимоий фондларни ташкил этиш. Шунингдек, имтиёзли пенсияларни корпоратив, коллектив хусусий пенсия фондлари орқали тўлашни механизмларини жорий этиш;

– мамлакатимизда амалдаги қонунларга қўшимча равишда муҳим бўлган қонунлар, хусусан, «Нодавлат ижтимоий суғурта тўғрисида», «Нодавлат пенсия жамғармаси тўғрисида» қонунлар ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши, муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, бу жараёнда пенсия жамғармаси маблағларининг нафақаларга ишлатилишининг олдини олиш учун «Муҳтож оилаларга ижтимоий ёрдам тўғрисида»ги махсус қонун ҳам ишлаб чиқилиш, қабул қилиниши ва амалиётга татбиқ этилиши лозим.

ИҚТИБОСЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон . 28.01.2022. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида.
2. Абдуллаев З.А. (2014) Хорижий давлатларда пенсия таъминоти тизимини ислох этиш муаммолари. Пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш истиқболлари / Республика илмий-амалий анжумани материаллари то'плами. Тошкент. 2014. 21 ноябрь -13-б.
3. Вавулин Д.А. (2016) Негосударственные пенсионные фонды: место в системе обязательного пенсионного страхования № 2. – С.162-176. / Вавулин Д.А. (2016) Нон-стате пенцион фондс: а пласэ ин тхе сйстем оф сомпулсорй = пенцион инсурансэ Но. 2. — П.162-176.,
4. Новиков А.А. (2006) Особенности эволюции зарубежных систем // Мировая экономика и международные отношения.2006.№5. С.67 / Новиков А.А. (2006) Феатурес оф тхе эволюцион оф фореиғн сйстемс // Ворлд эсономй анд интернационал релатионс. 2006. Но. 5. П.67,
5. Вахабов А.В. (2018) "Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси": дарслик.–Т.: "Иқтисод-Молия", 400 б. / Вахабов А.В. (2018) "Фореиғн эхперенсэ ин тхе девелопмент оф тхе пенцион сйстем": Тeхтбуок.-Т .: "Эсономисс анд Финансэ", 400 п.
6. Абдурахмонов Қ.Х. (2013) Ижтимоий соҳа иқтисодиёти: дарслик.Т.: Иқтисодиёт. 2013. 418-б. / Абдурахмонов Қ.Х. (2013) Эсономисс оф тхе социал спхере: Тeхтбуок.Т.: Эсономисс. 2013. 418-п.
7. В. Антропов (2017) Европейская социальная модель и политика жесткой экономии. Мировая экономика и международные отношения, 2017, том 61, № 3; С. 45–54
8. Вахабов А.В (2014) О'тиш иқтисодиёти мамлакатларида пенсия тизимини модернизациялаш истиқболлари. Пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш истиқболлари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Тошкент. 2014 йил. 21 ноябрь. - Б.31.
9. Турсунов ж.п., Жумабаева к.б (2023) О'збекистонда пенсия таъминоти тизими: бугунги ҳолат ва ривожланиш истиқболлари // Фундаментал тадқиқотлар. № 1 (2023) Б. 25-33
10. Бекназаров З. (2015) Пенсия тизимининг жаҳон тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари. // Молия. -Тошкент. 2015. -№2. – Б.108.
11. Қосимова Г.А., Каримова З.Х. (2009) Бюджетдан ташқари фондлар. О'қув қўлланма. –Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ». 2009. –Б21.

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 2-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-2

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-2

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz



**IMFAKTOR
PAGES**